



ISSN (E): 2181-4570

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИДАН ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Доцент в.б. А.С.Арзиев,*

*катта ўқитувчи.Р.Р.Мадиярова, асс. Т.Т.Сарсенбаев.*

*Қорақалпоқ давлат университети*

### Аннотация

Бу мақолада ўқув жарёнига илғор педогогик ва замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, шунингдек таълим методлари билан юқори малакага эришиш буйича кўрсатмалар берилган.

Эта статья содержит рекомендации о том, как организовать учебный процесс на основе передовых педагогических и современных информационных технологий, а также о том, как достичь высокой квалификации с помощью методов обучения.


This article contains recommendations on how to organize the educational process on the basis of advanced pedagogical and modern information technologies, as well as on how to achieve high qualifications using teaching methods

Таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини давлат таълим стандартларига мос равишда илғор педагогик ва замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, олий таълим муассасаси ўқитувчиларидан ҳам юқори малакани талаб қилади. Шунинг учун улар қуйидаги таълим методларини билишлари сингдиришлари зарур:

- 1) оғзаки метод (маъруза, суҳбат, ҳикоя ва бошқалар);
- 2) амалий ва лаборатория ишлари;
- 3) мустақил таълим;
- 4) ўқитишнинг мантикий методи;
- 5) муаммоли изланиш (репродуктив) методи;

кургазмали метод; индуктив ва дедуктив методлар; илмий методлар; ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

Ўқитувчининг бу методлардан қайси ҳолларда, қандай муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиши учун қандай имкониятларга эга бўлишлари кераклиги қанда талабаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш ҳолатлари, ва уларни дарс жараёнларида оқилона қўллаш масалалари ҳақида батафсил ёритиб берилган.





Бу методлардан “Чизма геометрия” дарслари жараёнида бир қанчаси ишлатилади. Булардан оғзаки, кургазмалилик, ўқитишнинг мантикий методлари дарс турининг маъруза шаклида қўлланилиб, мустақил ишлаш, муаммоли методлар фаннинг амалий-лаборатория машғулотида, илмий, индуктив ва дедуктив методларидан эса талабаларнинг мустақил таълим олишларида кенг қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Булажак муҳандисларга график фанлардан билим беришда ўқитиш методларининг энг мақбул усуллари танлаш керак. Мақбул ўқитиш методларини танлашни ўқитиш жараёни ва унинг барча компонентлари қонуний ўзаро алоқада намоён бўлишини талаб қилувчи дидактик тизимли ёндашувдан фойдаланибгина амалга ошириш мумкин. Ю.К.Бабанский таъкидлаганидек: “Педагог ўз фанини ўқувчига етказиб беришда фақат тизимли ёндашувдагина билим олиш жараёнининг вазифаси, мазмуни методлари, воситалари, шакллари каби элементлари орасидаги боғлиқликни, шунингдек, у амалда бўладиган шароитларни назардан қочирмайди. Чунки бир томонлама ёндашувда мақбул ечимни танлаш мумкин эмас”. Бу таърифдан келиб чиқиб ўқитиш методларининг мақбул усулини танлашнинг асосий мезонларини санаб ўтишимиз мумкин:

- дарс жараёнини режалаштириш;
- ўқитишнинг асосий мақсади;
- мавзу мазмунининг хусусиятлари;
- талаба ва ўқитишни имкониятлари;
- ўқитишга ажратилган вақт;
- ўқитишнинг шароитларга мувофиқ келиши.

Машғулоти бошқариш технологиясида авваламбор дарснинг мақсади аниқ, касбга йуналтирилган бўлиши билан бирга, қайси восита ёрдамида ва қандай кетма-кетликда бу мақсадга эришиш мумкинлигини кўриш мумкин. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материални ўзлаштириш жараёнининг ташкилотчиси тарзида кўриниб, талаба фаолиятининг фаоллигига аҳамият бериши керак. Бунинг учун материал мазмунининг баёнида ўқитувчи турли хил ўқитиш методлари ва имкониятларидан фойдаланади.

Ҳар бир машғулотида қўлланиладиган методлар учун педагогик тизимда уларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Тушунчалар ва хатти-ҳаракатларнинг шаклланишини ўқитувчи бошқариб борадиган асосий машғулоти тури амалий





ISSN (E): 2181-4570

машғулотлар ҳамда бошқа дарс методлари бўлиб, уни ўтказиш методикаси педагогик тажриба ва маҳоратга боғлиқдир. Бу жараёни тинмай ўрганиб бориш, ўқитувчининг ўз касбига мохирлиги ўқитиш технологиялари ва уларнинг мақбул шакллари мажмуасини эгаллаб олганлиги билан белгиланади.

Бугунги кунда таълим жараёнига “янги педагогик технология” номи билан кириб келаётган методлар ўқитувчидан ҳамда талабадан ортикча ақлий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт мобайнида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутди. Талаба таълим жараёнлари ўқитилиши керак бўлган объективликдан ўзининг тарбияланишида бевосита иштирок этадиган субъекти даражасига кутарилмоқда. Таълим олувчи худди ўқитувчи сингари дарс жараёнининг эгасига айланмоқда.

Педагогик технологиянинг шундай турли-туман таърифлари мавжудлиги мазкур тушунчанинг кун кирралигидан далолат беради. Шу сабаб педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иктисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуқтаи назарлардан ёндошиш мумкин. Демак, педагогик технология жараёнида ўқитувчи узининг бор маҳорати ва билимини намоён қилиб, дарснинг ҳамма қисқа вақт ичида кузлаган мақсадга эришади.

Таълим-тарбия соҳасида ривожланиб бораётган йуналишлардан бири-замонавий педагогик технологиялар бўлиб, замонавий дарсларда, шунингдек “Чизма геометрия” фанида куйидаги методлардан фойдаланилмоқда:

Кластер (тармоқ)-фикрларнинг тармоқланиши ҳисобланиб, у талабаларнинг бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам беради, уларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан ўзвий боғланган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Бу метод ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда мавзу буйича талабалар тасаввурини чизма шаклда ифодалашга ундайди.

Ақлий хужум-катта миқдордаги фикр ва ғояларни тўплаш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида янги фикрлар пайдо бўлишини таъминлаш бўлиб, бу метод дарсларининг такрорлаш ва баҳолаш босқичларида кўпроқ қўлланилади.

Бумеранг методи-бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, мавзуни эркин эгаллашга йуналтирилган бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади





хамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топширикларни бажариши, навбат билан талаба ёки ўқитувчи ролида чиқиши мумкин.

Муаммоли вазият усули-назарий ва амалий машғулотларда қўлланилади. У кўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқитувчи томонидан бирор муаммо кўрсатилади.

2. Талабалар бу муаммонинг келиб чиқиш сабабларини келтириб ўтадилар.

Ҳозирда педагогик технологиянинг турли йуналишлари мавжуд булиб, уларнинг айримлари куйида келтирилган:

1. Анъанавий таълим-ҳозирда энг кўп кулланаётган синф-дарс тизими. Талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технология- муаммоли таълим, турли ҳил уйинлар.

2. Ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлашга асосланган педагогик технология.

3. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилишга асосланган педагогик технология- табакалаштирилган, таълимшиг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари.

4. Ривожлантирувчи таълим технологиялари- талаба шахснинг ижобий сифатларини, айрим соҳадаги билимларини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Шунингдек педагогик технологиянинг яна турли йуналишлари мавжуд бўлиб, уларни педагог олим Ж.Г.Йулдошев куйидагиларга бўлади:

1. Эмперик-сезги аъзолари орқали билим олиш.


2. Когнитив - атрофдаги олам туғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш технологияси.

3. Эвристик-йуналтирувчи саволлар бериш йули билан таълим бериш тизими.

4. Креатив-тадқиқот характериға эға булиб, талабаларда мақсадға йуналтирилган ижодий тафаккурни ривожлантириш.

5. Инверсион-ахборотларни турли томондан ўрганиш, урниға алмаштириш хусусиятиға эға булиб, тафаккур тизимини шакллантириш.

6. Интегратив-ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона туғри ҳулосани аниқлаш.





7. Адаптив- ахборотларни ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш ҳамда ўргатиш учун қулайлаштириш, мослаштириш асосида қутилган натижага эришиш.

8. Инклюзив-укитувчи билан талабанинг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

Графика фанларида анъанавий дарс усулларида ташқари, педагогик технологияларнинг йуналишларини ҳам қуллаш мумкин.

Бугунги ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида, ҳикоя, суҳбат, маърузалар қилдириш, муаммоли машқлар бажартириш, график топшириқлари, таълим берувчи уйинлар, бахс- мунозаралар, таълим жараёнидаги рағбатлантириш ва танбех, бериш, ўқув материални муаммоли тарзда ургатиш, муаммоли суҳбат, тадқиқотлар, индуктив ва дедуктив муҳокамалар, китоб билан мустақил ишлаш, таълимда замонавий манбаналардан фойдаланиш, оғзаки суров, ёзма ишлар, ижод, дастурлаштирилган таълим, мустақил назорат ишлари сингари таълим методлари у ёки бу даражада тушунарли. Лекин бугунги тарбияшунослик ўқитувчидан етук, билимли мутахассиснигина эмас, соғлом маънавиятли шахсни, баркамол инсонни шакллантиришни талаб қилмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тугрисида Низом. -Т.: 1999.
2. Раҳманов И. Абдурахманов А. «Чизмачилик маълумотномалари». Т.: «Ўзбекистон»-2005.
3. Зайиров К.А. «Графическое образование студентов» / Ж.Таълим муаммолари. Т.: 2004 №14-91-93 б.
4. Зайиров К.А. «Графическое грамотность специалиста как фактор профессиональной подготовки». /Ж. Ҳалқтаълими 2006 №2. 148-1516.

